

ЎЗБЕК МАҚОМЛАРИДА ЛАД ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ КОМПОЗИЦИОН РОЛИ

Журъатбек Шухратович Шеримматов
Sherimmatov17@gmail.com

Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институти

Аннотация: Мазкур мақола ўзбек мақомларининг назарий асосларини ўрганишга бағишланиб, ўзбек мақомларида ладнинг композицион роли ва мақомларнинг таркиб топишида лад тузилмаларининг қай тартибда шаклланиши баён этилади. Хусусан, мақомларда товушқаторларнинг қўлланилиши, лад таркибий тузилишидаги - сарпарда, миёнпарда, қарорпарда ва бошқа таркибий хусусиятларига урғу берилади.

Калит сўзлар: ўзбек мусиқаси, мақом санъати, мақом назарияси, шашмақом, лад, парда, товушқатор, тетракорд, миёнпарда, қарорпарда, мусиқа назарияси, мусиқа шакллари

COMPOSITION ROLE OF LAD STRUCTURES IN UZBEK MAQOMS

Juratbek Shukhratovich Sherimmatov
Sherimmatov17@gmail.com

Uzbek National Music Art Institute named after Yunus Rajabiy

Annotation: This article is devoted to the study of the theoretical foundations of Uzbek maqoms, explains the compositional role of lad in Uzbek maqoms and the order in which lad structures are formed in the composition of maqoms. In particular, the use of loudspeakers in the maqoms emphasizes the structural features of the fret - sarparda, miyonparda, qarapparda and other components.

Keywords: Uzbek music, maqom art, maqom theory, Shashmaqom, lad, parda, sound, tetrachord, miyonparda, karorparda, music theory, music forms

Мақомлар - ўзбек миллий қадриятлари, мусиқий урф-одатлари шаклланишида юзага келган олий мусиқа намунаси ҳисобланади. Унинг сўз ва мусиқий мазмунининг муштарақлигида миллий куй-қўшиқларимизни нақадар бой маънавиятга эгаллигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, мусиқий чолғу созларининг садосини тинглаган инсон руҳи гўё кўкларга кўтарилажак. Мақомлар - нафақат, ўзбек миллий мумтоз мусиқаси, балки бутун мусулмон халқларининг умумбашарий маданий меросидир. Шарқ халқлари мусиқа анъаналари ва қадриятларининг шаклланишида мақом навларининг ўрни

бекиёс. Кўп асрлар давомида мазкур халқлар мусиқий ҳаётининг барҳаёт ва умуминсоний маданий мероси сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Хусусан, Озарбайжон, Тожик, Эрон, Уйғур, Турк, айрим Араб ва бошқа халқларнинг ижтимоий ҳаётида мақомларнинг эъзозланиши ва қадрланиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, мусиқанинг назарий томонини унинг мустаҳкам пойдевори сифатида белгилаш лозим. Турли халқлар мусиқасини ўрганишда ҳам аввало, унинг назарияси ва унинг таркиб топишида муҳим омил сифатида қўлланилувчи унсурлар ўрганилади. Яъни, куй-қўшиқларнинг муайян тартиби, товуш тизими, товушларнинг бир-бирига нисбати, шаклланиш омиллари, лад тизими, шакл хусусиятлари, метро-ритмик асослари каби мусиқий ифода воситаларини айтиш мумкин.

Мақомларнинг энг устивор омилларидан бири - парда (лад) тизими ҳисобланади. Шашмақомнинг ҳар бир мақоми муайян парда тизимига тўғри келади. Ушбу парда тизимлари олтига - Бузрук, Рост, Наво, Дуғоҳ, Сегоҳ ва Ироқ. Таҳлил жараёнида парда-лад тизимини учта асосий қатламга ажратиш мумкин. О.Матёқубов уларни “Бирламчи лад тузилмаларининг ўзи, ушбу дастлабки лад тузилмаларидан таркиб топадиган мураккаб парда бирликлари ва, ниҳоят, мураккаб лад бирликларидан иборат яхлит парда тизими” дея таъкидлайди [1]. Ушбу фикр мақомларнинг ички тузилиши, хусусан, ладларнинг таҳлили жараёнида жуда қўл келади. Демак, уч даражадаги парда-лад бирликлари: бирламчи лад тузилмалари ёки дастлабки парда тузилмалари, мураккаб парда бирикмалари ҳамда яхлит парда тизими.

Ўтмиш мусиқий рисолаларида дастлабки лад бирликлари “жинс” деб юритилган. Бу ҳақида дастлабки маълумотлар Форобийнинг “Мусиқа ҳақида катта китоб” (Китабул-мусиқий ал-кабир) да келтирилади. Муайян парда тизимининг шаклланишида бирламчи парда хужайралар алоҳида ўрин тутиб, уларнинг бир-бирига боғланишидан мураккаброқ (такрор) лад тузилмалари юзага келади. Бирламчи парда хужайралари турли миқдорда бўлиши мумкин. Энг кенг қўлланиладиган жинс - тетрахорд (юнонча “тетра” - “тўрт”, “хорд” “тор” маъносида билдириб, қадимги юнон ладларининг бирламчи ўзаги), яъни, тўрт товушлик ҳисобланади. Шарқ мусиқий тафаккурига хос ҳисобланувчи ушбу бирламчи парда хужайралари икки-уч товушдан тортиб то ўн беш ёки ундан ҳам ортик бўлиши мумкин. Бундай лад тузилмаларининг бирикмалари шарқ мусиқа-назариясида “жам” деб юритилган. Жамларнинг энг каттаси - ўн беш товушлиги “жам ат-там” (тўлиқ жам) деб аталган.

Дастлабки парда бирликларининг қўшилиши уч хил қўринишда кечиши мумкин: уланган, занжирбанд ва ажралган тартибда. Агарда парда бирликларининг қўшилишида бир умумий товуш бўлса уланган тартиб ҳосил

бўлади. Занжирбанд тартибда кўшиладиган бўлса, улар орасида икки ёки ундан кўпроқ умумий товуш бўлмоғи лозим. Ажралган тартибда эса тузилмалар ўртасида бир очиқ парда бўлиши зарур[2].

Юқорида қайд этилганидек, дастлабки лад тузилмаларининг энг кенг тарқалган навларидан бири бу тетракорддир. Одатда ушбу тўрт товушлик таянч ва нотаянч пардалардан таркиб топади. Парда birlikларининг кенгайиши ва катталашувида ушбу таянч ва нотаянч пардалар ҳисобга олинади. Хусусан, бош парда атрофида нисбатан таянч пардалар, ҳамда нотаянч ва ўткинчи пардалар юзага келади. Бу эса мусиқа асари мазмунининг бойишига ва ички қарама-қаршиликларнинг шаклланишига катта туртки беради. Ушбу пардаларни ажратиш учун уларнинг асар мобайнидаги давомийлиги ҳамда ритмик хусусиятларига эътибор бериш лозим. Шунга эътиборан, муайян вазифа (функция) бажарувчи парда birlikлари - сарпарда, миёнпарда, шохпарда, қарорпардалар ташкил топади[3].

Сарпарда - (луғавий “сар” - “бошланғич”, яъни бошланғич парда) бошланувчи парда. Муайян тузилманинг бошланувчи пардаси. Бу парда асар давомида кўпинча нисбий таянч сифатида намоён бўлади.

Миёнпарда - (“миён” - “ўрта”, ўрта парда маъносида) таянчлар орасида жойлашувчи - нотаянч парда. Эркин ривожланувчи пардалар бўлиб, умумий товушқатор таркибида бир нечта бўлиши мумкин.

Зарпарда ва *шохпарда* - (луғавий “зар”- “олтин”, “шох” - “бош” маъноси) нисбатан таянч пардалар.

Қарорпарда - (луғавий якунловчи) якуний таянч парда. У асар парда тузилмасини аниқлаб берувчи асосий таянч ҳисобланади. Қарорпарданинг натижавий ҳолатига қараб муайян лад тизими белгилаб олинади.

Ладнинг таркибий тузилиши мақом композицияларининг туркумли структурасига боғлиқ муҳим факторларидан бири бўлиб, бир қанча лад бўлаклари ўзининг композицион бўлиниши орқали аниқланади. Масалан, мақом шаклининг ривожланиши, лад тизими ҳаракати орқали шўъба шаклининг таркибий қисмлари жамланади. Мақом “тематизми” (мазкур терминни озарбайжон муғомшунослари У.Гаджибеков, М.Исмоилов, С.Багирова ва бошқалар ўз тадқиқотларида киритган бўлиб, уларда муғом ёки дастгоҳ тематизми дея юритилади. Шунга айтиш керакки, ушбу тушунчанинг мақомларда қўлланилишини эса биз шартли равишда танлаб олдик.) асосида бир қанча лад тузилмаларининг интонацион таркиб топиши, қўлланилиши, шакл кенгайиши жараёнидаги янги лад тузилмаларнинг киритилиши янги мавзуй эпизодларнинг юзага келтириши билан боғлиқ. Улар янги интонацион “тезис” сифатида намоён бўлиб, кейинги ривожда намуд ва авжлар кўринишига эга бўлади.

Ю.Г.Кон таклифига кўра “Ладга икки умумий тамойиллар - танлов (сараланиш) ва бирикув (кўшилиш) комбинациялари нуқтаи назаридан қараш мумкин. Ушбу тушунчаларни қўллаш муҳим мусиқий масалалар, хусусан, лад тузилиши бўйича зарур ечим сифатида намоён бўлади”. Мазкур таклиф ўзбек мумтоз мусиқасида парда тизимлари (товушқаторлар, товушлар алоқаси)нинг ўрганилишида муҳим назарий тушунчалар сифатида эътироф этилади.

Ўзбек мусиқасининг парда-лад тузилмаларининг шаклланишида товушқатор муҳим жараён ҳисобланади. Товушқаторни аниқлаш - ладни ўрганишда муҳим қадам. Муайян лад тизими асосини ташкил этувчи товушқаторларнинг шаклланиши дастлабки парда хужайраларнинг тўқимасидан ҳосил бўлади. Ўз навбатида товушқаторнинг шаклланишига қараб муайян лад тизимини аниқлаш мумкин. Ю.Н.Холопов умумназарий қарашларидан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни беради “Лад - муайян оҳанг ва товушлар тизими сифатида тушунилиб, товушқатор кўринишида намоён бўлади. Товушқаторнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу унинг турли ладлараро бошқарувчилик хусусиятига эга бўлиши билан белгиланади. Бироқ лад билан товушқаторни бир-бирига тенглаштириш нотўғри. Лад товушқатор тузилишидан келиб чиқади холос”[4].

Ҳар қандай бутун шаклдаги каби, мақомда мусиқий ривожланиш уч функционал-мантикий босқичда кечади: 1) материалнинг экспозицияси, 2) ривожланиш; 3) шакл тугалланиши. Мақом ривожланишининг муайян асоси унинг нафақат мавзуй ривожланиши, пайдо бўлиши, лад ривожланиши бир бутун тизимнинг кичик даражаси сифатида аҳамиятлидир. Шу сабабли шакл қисмларининг композицион функциялари мақомнинг лад мазмуни ва номланишини аниқлаб беради. Мақом композициясида Экспозиция функцияси шўъбанинг бошланишидаги - Даромад ёки Намуд, миёнхат, дунасра каби таркибий қисмларида намоён бўлади. Бу таркибий қисмларда кетма-кут равишда мақомнинг асосий лад товушқатори "шакллантирилиб", мазкур мақомнинг муҳим интонацион-мавзуй мазмуни намоён этилади. Бироқ, мазкур қисмларни бошқа томондан умумий шўъбанинг турли ва бир-биридан ажратиб турадиган жиҳатлари ҳам мавжуд. Даромадда кўпроқ мазкур мақомнинг асосий интонацион оҳанги асосий бирламчи лад асосида келтирилади ва ушбу ўзак мақомнинг асл кўриниши сифатида белгиланади.

Шакл, олдин баён этилмаган муайян интонацион фикрни ифодалайди. У бевосита мазкур фикрнинг мужассам этилиши ва шунг биноан доимо аниқ кўринишда юзага келади. Бироқ мақом тузилмаси шаклининг ҳар бир шунақа аниқ тартибда таркиб топишида мусиқий тузилманинг маълум хусусиятлари аниқланади. Масалан, мақом тузилмасининг доимо бир хил тугаши орқали унинг аниқ хотимали мусиқий тузилмаси намоён бўлади. Ушбу мусиқий

ҳаракатни таҳлил қилиш орқали, биз мақом тузилмасига нисбатан тугалланган мусиқий фикр хусусияти ташкил топади.

Умумий мантиқий мусиқий функцияларга кўра, мазкур тузилма учта функционал босқичдан иборат. 1) ўзак оҳанг (бошланиш, импульс), 2) ривожланиш (контраст), 3) тугалланиш. Тузилманинг кўпқиррали тоникада тугалланиши мазкур тузилма мелодик доирасини унинг интонацион туташуви билан боғлиқ. Шу боис, бош тузилма кейинги замзама бўлагидан цезура (асосий чўзилган таянч) билан чегараланган, кейинги замзама эса ривожлов ва тугалланишни ўзида қайд этган. Хусусан, даврияни қуйидагича кўринишда келтириш мумкин: Тезис - ривожланиш - тугалланиш.

Таъкидлаш керакки, Сараҳборларда замзама ва хангларнинг ўрни катта бўлиб, улар ҳам таркибий қисмга боғланиб келади ҳамда уларнинг оҳангини мустаҳкамлайди ва таркибий қисмнинг тугалланганини кўрсатади. Хусусан, замзаманинг охирида келувчи хотима ((каданс) мақомлар амалиётида "думча" дея юритилади) таркибий қисмнинг тугалланганини белгилаб беради. Шунингдек, замзама бўлаги бошқа шўъбаларга қараганда айнан Сараҳборларда ҳажм жиҳатидан кенгроқ бўлиб келган. Чунки, Сараҳбор ҳар бир мақом туркумининг бош мақоми ҳисобланиб, унда мақом мажмуида ёйилувчи барча таркибий бўлақларнинг асосий ўзак қисми таркиб топган бўлади.

Бундан ташқари, мақом қисмларида ўзгарувчанлик тушунчаси ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. Хусусан, маълум бир товушнинг вақтинчалик таянч сифатида келтирилиши ва кейинчалик асосий таянчга қайтиш хусусиятларига кўра ўзгарувчанлик белгисини ажратиш мумкин. Ўзгарувчанлик муаммолари ҳақида Ю.Кон, С.Галицкая ва бошқа мусиқашунослар алоҳида тадқиқотлар олиб боришган.

Мақом куйининг ладоинтонацион жараёнининг таркиб топишида қуйидаги босқичларни белгилаш мумкин: 1) бош оҳанг, бошланма, 2) экспозицион даврия, тўлиқ мукамал каданс билан тугалланган, 3) кейинги ривожловнинг барчаси. Юқоридаги келтирилган ладоинтонацион ёйилтириш схемаларни Бузрук мақомида кўрамиз. унда куйнинг бош попевкаси ладнинг тоникасини ўрнатади, муҳим интонацион юриши орқали а -с, ўз ривожланиши ва кадансда ёйилган мелодик опевание қилиниши келтиради, кириш давриясига туташиб. Ўз навбатида Дастлабки тузилманинг материали, мазкур ладнинг интонацион "юзига" хос бўлиб, куйнинг кейинги ривожланиши объектига кўрсатилади. Ушбу ривожлов эса, айнан, интонацион оширилиши, ривожланиш характериға эга ҳисобланади.

Зикр этилган таркибий хусусиятлар ўзбек мумтоз мусиқаси, жумладан, мақомларнинг юзага келиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Чолғу йўллари ва ашула қисмлари ўзининг муайян таркибий бўлақларини шакллантириб, куй

йўлини, асар маъно-мазмунини бойитишга хизмат қилади. Мақомларни таҳлил қиларканмиз, унинг шакли ва таркибий қисмлари пухта ишланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шашмақом мажмуасида бош мақом ҳамда унинг негизида ижод қилинган куй ва ашулалар кўп. Мазкур мажмуани ташкил этувчи ҳар бир туркумнинг парда (лад) тизими, усул доираси ҳамда шакл хусусиятлари бош мақом ва уларга эргашиб келувчи ёрдамчи тузилмалари асосида шаклланган мақомлар билан сарҳисоб этилади. Ўзбек миллий мумтоз муסיқасининг умумий шакл тузилиши ва лад тизимини назарий жиҳатдан асослаб бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири десак муболаға бўлмайди. Чунки, айнан Шашмақом муסיқа маданиятимизнинг шох намунаси ҳисобланиб, айти вақтга қадар унинг назарий қиёфасини мукаммаллаштириш устида ишлар давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Матёқубов О. Бухоро Шашмақомига яна бир назар. 118 б.
2. Кон Ю.Г. Некоторые вопросы ладового строения узбекской народной песни и её гармонизации. -Т., 1979. Стр. 3-5.
3. Матёқубов О. Узбекская классическая музыка. Том 2. Тошкент. с. 34
4. Холопов Ю.Н. Симметричные лады в теоретических системах Яворского и Мессиаана. // Музыка и современность. Вып. 7. Москва. 1971, с. 268-269.
5. Ражабов И. Мақомлар. Т., 2006 й.